



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Мамарасулов Дилмурод Тоштемирович

Самарқанд Дағлат Университети Докторанти

**САМАРҚАНДДА ОЛИЙ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ
ТАРИХИДАН**

Аннотация

Мақолада асосан Самарқандда Олий педагогика институтининг ташкил этилишига оид маълумотлар берилган. 1920-1926 йилларда Самарқандда Мирзо Улугбек мадрасасининг фаолияти давом эттирилганлиги, мадраса талабалари янги замонавий форматда ташкил этилган олий ўқув юртида ўқишини давом эттирсанлиги хақида маълумотлар келтирилади. Янги ташкил этилган институт аслида мадраса давомчиси эканлигига ургу берилган.

Калит сўзлар: Мадраса, Институт, ворисийлик, Халқ Маорифи комиссарлиги, ўқитувчилар таркиби, Талабалар ўқишининг кўчирилиши.

1917 йил дунёning муайян каттагина худудида яшаб келаётган юзлаб миллат ва халқлар ҳаётида коммунистик давр тарихи бошланди. Бугунги Ўзбекистонда хам шу вақтда коммунистик партия ҳукмронлиги ўрнатилди.

Коммунистлар биринчи навбатда минг йиллар давомида шаклланган, сайқалланган маданиятимиз, анъаналаримиз, динимиз, давлатчилигимизни йўқ қилишга киришиб, айниқса, улар қадим цивилизация ворислари бўлган халқимизнинг маданияти, маънавиятини қатағон қилди.

Аввало динимизни халқقا, миллатга, давлатга қарши қўйди. Минглаб маданият ва таълим ўчоқлари - масжид ва мадрасалар халқ учун заарли деб эълон қилинди.



Шу тариқа, мадрасалар (олий, ўрта, бошланғич таълим тизими) тараққиёт йўлига барҳам берилди. Илм-фан, маърифат, таълим соҳасида аждодларимиз эришган жаҳоншумул ютуқлар йўққа чиқарилди, халқимиз ёппасига саводсиз деб дунёга жар солина бошлади, Ўрта Осиёга таълим тизимини “большевиклар, рус маданияти олиб кирди”, деган даъво билан чиқдилар.

Ваҳоланки, Ўзбекистон таълим тизими минг йиллик тарихга эга эди. Фақатгина уни хукмрон синф тан олишни истамас, чунки бу уларнинг буюк(сохта) фояларига зид эди. Лекин халқ хўжалигининг барча тармоқлари қандай давр бўлмасин унинг учун кўплаб юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласи хар доим хам ўз долзарлигини йўқотмаган.

Янги ташкил этилган собиқ Совет Иттифоқида Олий таълимни қайта ташкил этишнинг бошланиши РСФСР Халқ Комиссарлари Совети томонидан ишлаб чиқилган 1918 йил 2 авгуустдаги “Олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари тўғрисида”ги фармони билан асосланиб, бу мустамлака худудларда хам олий ўқув юртларини қайта ташкил этиш имконини берган. Натижада Туркистон халқ университети (1918-йил апрел), Шарқ институти (1918 йил охири), Туркистон давлат университети (1920 йил 7 ноябр), Тошкентда К. А. Тимирязев номидаги Халқ таълими институти(1920-йил сентабр ташкил этилиб 1921 йилдан Ўрта Осиё давлат университети педагогика факултети), Тошкентда коммунистик университет (1921 йил август) ташкил этилди.

Лекин бу даврда Самарқанд вилоятида 94 та мадраса ўз фаолиятини давом эттираётган бўлиб, мадрасаларда 2205 нафар талабалар таҳсил олаётган эди[1-52 в]. Хусусан Мирзо Улуғбек мадрасасида хам асрлар давомида ўз фаолиятини тўхтатмасдан халқ хўжалиги учун зарур олий маълумотли кадрларни етиширишни давом эттираётган эди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий Архиви 34-фонди материаллари таҳлили натижасида маълум бўладики, 1918 йил 14 декабря Туркистон АССР Халқ маорифи комиссарлиги 6486-сонли буйруғи эълон қилинди[10-33 б]. 1920 йилнинг 17 ноябрида Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлар Совети “Россия Федерацияси Туркистон Республикасида ердан фойдаланиш ҳақида”ги 353-сонли Низомга[10-36 б] асосан вақф ерларини давлат тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги қарорини эълон қилди. Ушбу буйруқ ва Низом таълим муассасалари, жумладан, мадрасаларни маблағ билан таъминлашни тўхтатган ва вақф мулклари мусодара қилинишини бошлаб, вақф мулклари масаласи диний муассасалар ва таълим даргоҳлари ихтиёридан бутунлай тортиб олинишини билдиради. Бу албатта барча мадрасалар қатори, Мирзо Улуғбек мадрасаси фаолиятига жиддий салбий таъсир этиб жамоатчиликда норозиликларни кучайтиради.

Туркистон АССР МИҚ вақфларни мадраса ва масжидларга қайтариш ва диний муассасаларни таъмирлаш орқали маҳаллий аҳолининг ишончини қозониш, минтақадаги ҳаётни большевиклар фойдасига барқарорлаштириш мақсадида 1922 йилнинг 20 июня ид 75-рақамли декретини қабул қилди[10-36 б]. Ушбу ҳужжатда Туркистоннинг уч вилоятида (Самарқанд, Фарғона, Сирдарё) вақф ерларини уларнинг мулклари бўлган дўкон, карвонсарой, омбор, боғ участка кабиларни диний муассасаларга қайтариш, улардан келадиган даромадни, мадраса ва масjid биноларини таъмирлаш, бу ерда ўқиётган муллаваччаларга ҳамда ходимларга сарфлаш, улар қошида мактаблар очиш масалалар кўрсатилган эди. Бу даврда ўлка



тариҳида илк бор Тошкентда Диний бошқарма (“Маҳкамаи Шаръия”) ташкил қилиниб, бу Вақф Бош бошқармасининг вилоятлардаги бўлими сифатида фаолият бошлади. Натижада қисқа муддат талабалари сони камайган Мирзо Улуғбек мадрасаси фаолияти яна жонланди ва мадраса қошида ташкил этилган қайта тайёрлаш курсларда талабаларнинг сони орта бошлади. Ушбу малака ошириш курсларида 1926 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Самарқанд вилоятида вақф мулклари даромади ҳисобидан 675 нафар эркак ва 30 нафар қизлар бошланғич таҳсилни олган[11].

Васлий келтирган маълумотларга кўра, 1920-йилларда Бухородаги Мир Араб мадрасасида таълим жараёнлари тўхтатилгач, ўқиши тутгата олмаган талабалар Самарқандаги Мирзо Улуғбек, Ургутдаги Нақшин ва Ғиштин мадрасаларида таълимни давом эттиришган. Ўз даврининг машҳур мударрислари Аспас маҳдум, Қори Шариф, Ҳамроқул Рофе, Ҳудойберди Махсум, Мулло Юнус кабилар Мирзо Улуғбек ва Ургут мадрасаларида таълим берганлар. Маълумотларга кўра, Мингтепалик Ҳасанхон Маҳдум ибн Муҳаммад Иброҳим Мингтепа Қозисининг ўғли ва Домла Шариф Ҳисорийлар бир вақтда Ургут ва Мир Араб мадрасаларида ўқишиб, ўқишини давом эттириб 1925 йилларда санад (диплом) олганлар[11]. Бу шу йилларда Улуғбек мадрасасининг фаолият олиб борганлигини исботлайди.

Лекин мустамлака тузими тарихий асосларни тан олишни истамасдан Туркистон АССРда олий ўқув юртларини ташкил этиш тўғрисидаги актида “Совет миллий сиёсати ғояларини, Россиянинг илгари қолоқ миллий чеккаларининг иқтисодий ва маданий ривожланишини акс эттириш учун” деб таъриф берилиши хеч қандай асосга эга эмас эди.

Совет ҳокимияти йилларида хам Самарқанд ўзининг тарихан йирик илмий ва маданий марказ ролини йўқотганий йўқ. Мавжуд ўқув биноларни йўқлиги натижасида мадрасалар педагог кадрлар тайёрлаш, мактаб ва қайта тайёрлаш мактаблари вазифасини бажара бошлади. Юқорида таъкидланганидек Мирзо Улуғбек мадрасаси қайта тайёрлов мазкази сифатида, Шердор мадрасаси эса мусиқа билим юрти сифатида фаолият юрита бошлади. Аниқроғи мадрасалар фаолияти шу мақсадга йўналтирилди.

1925-йил 13-феврал Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитети ҳукумат аъзолари, Республика КП (б), вилоят ва шаҳар комитетлари котиблари иштирокидаги кенгайтирилган йиғилишда, Маориф халқ комиссари аппарати ва Ўзбекистон ССР Давлат план комитети ходимлари республикада олий таълимни ривожлантириш ва Самарқандда биринчи олий мактаб очиш зарурлигини муҳокама қилдилар. Чунки Совет миллий сиёсати ғоялари асосида у **биринчи** деб юритилиши **зарур** эди.

1925-йил 3-мартда Ўзбекистон ССР Халқ Маорифи комиссарлиги Коллегияси махсус йиғилиш ўтказиб республика халқ хўжалигини, биринчи навбатда, халқ таълими тизимини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш учун Самарқандда олий педагогика билим юртини ташкил этиш имкониятини кўриб чиқилди. Чора-тадбирлар режасини ва республика ҳукуматига ариза тайёрлаш учун Халқ Маориф Комиссари коллегияси тайёргарлик комиссиясини тузиш, Комиссия эса олий ўқув юртини ташкил этиш бўйича ташкилий, тайёргарлик ва биринчи амалий ишлар, бўлажак ўқув юртини профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш, ўқув ва ёрдамчи бинолар қуриш, кабинет ва аудиториялар ташкил этиш ҳамда талабаларни ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлаши масалалари муҳокама қилинди.



Бу ишларни амалга ошириш учун проф. Н.А.Меркулович бошчилигига комиссия тузилди. Комиссия таркибиға ЎОДУ (САГУ) ректори проф. А.Л.Бродский, тарихчи В.И.Миронов, физик П.Н.Златовратский, математик В.И.Романовский, ХМК вакили Н.И.Сербов ва бошқалар киритилди[12-14 б]. 1925-йилнинг мартаидан 1926-йилнинг мартаигача бўлган даврда Маориф халқ комиссарлигига бу комиссиянинг ҳисобот ва маълумотлари тўрт марта эшишилди[2-91 в]. Чунки қабул қилиш тартиби, таълим берувчи ўқитувчилар таркибини шакллантириш асосий масалалардан ҳисобланар эди.

1926-йил 6-январда Республика Халқ Маорифи комиссарлиги ўқитувчилар тайёрлаш учун олий мактаб ташкил этиш масаласини алоҳида муҳокама қилди. Маориф халқ комиссари ҳамкасларининг қарорида шундай дейилган: а) педагог кадрлар тайёрлайдиган олий мактаб ташкил этиш зарур деб ҳисоблансин; б) педагог кадрлар тайёрлайдиган олий мактаб олий педагогика институти деб аталади; в) 1927 йил январидан кечиктирмай Олий педагогика институтини ташкил этиш зарур деб ҳисобласин[2-91 в].

1926 йил 10 августда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг мажлисида Ўзбекистон ССР Халқ Маорифи комиссарлигининг Ўзбекистоннинг биринчи пойтахти Самарқанд шаҳрида олий педагогика билим юрти қурилиши тўғрисидаги ҳисоботи маҳсус тингланди ва қарор қабул қилинди: “2а) Республика Халқ Маорифи комиссарлигига Самарқандда олий педагогика билим юрти қуришга рухсат берилсин”(10.08.1926 йил 103-сон баённомаси) [3-63,69 в ,5-97 в].

Республика Халқ Маорифи комиссарлиги комиссияси дарҳол Ўзбекистон ССР ҳукумати қарорини амалга оширишга киришди. ЎзССР Халқ Маорифи комиссарлиги қисқа муддатда Олий Педагогика Институтини қуриш учун ер участкасини топиш ва аниқлаш, институтни профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш, ўқув ва ёрдамчи биноларни тайёрлаш, уларни таъминлаш ва зарур жиҳозлар ва ўқув-услубий адабиётлар каби долзарб вазифаларни ҳал қилиши керак эди. Шунинг учун 1926 йил 23 августдаги қарорга биноан институтни ташкил этиш ва қуриш учун Халқ Маорифи комиссарлиги қошида иккита маҳсус қуий қўмита тузилди. Биринчи кичик комиссия участка танлаш, қурилиш шартномалари, техник назорат, Олий Педагогика Институти биносини қуриш учун далолатномалар, сметалар, эскизлар, техник ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ишларни ташкил этиш билан шуғулланган[3-63,69 в, 5-97 в]. Комиссия қарори билан матбуот орқали институт бош биноси ва унинг фасади эскизлари ва лойиҳаларига очик танлов[4-86 в, 5-97 в] эълон қилинди. 1926 йил 26 августда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети Бош Техник Қурилиш Қўмитаси томонидан қурилиш смета ҳужжатлари тасдиqlаниши билан бир вақтда Самарқанд вилоят Ижроия қўмитаси шахар бофининг катта ҳудудида(собиқ Генерал Абрамов номидаги булвар) Олий педагогика институти биносини қуриш учун ер участкаси сифатида жой танланди.

1926 йилнинг сентябрь ойида Самарқандда бугунги кунда Университет хиёбони деб аталадиган бульварда шаҳар аҳолисининг оммавий митинги бўлиб ўтди, унда бўлажак университет ўқув биносини яратиш учун пойdevорнинг дастлабки ғиши тантанали равишда қўйилди[12-11 б].

Республика Халқ Маорифи комиссарлигининг Ўрта Осиё Давлат университети ректори профессор А. Л. Бродский, тадқиқотчилар физик П.Н.Златовратский, математик В.И.Романовский, тарихчи В. Миронов, геолог В. Н. Наследов, проф. Н. А. Меркулова, Тошкент таълим институти бош ўқитувчиси М. П. Репникова ва



Ўзбекистон ССР Халқ Маорифи комиссарлиги раиси Н. И Сербова институтда ўкув режалари, дастурларини тузиш ва ишга номзодларни танлашга киришдилар.

Ташкилий комиссия, уни бошқарган Н.А.Меркулович 1926 йилнинг 10 декабридан бошлаб бўлажак институтнинг ректори сифатида фаолиятини расман бошлади. Самарқандда Олий педагогика институтининг тантанали расмий очилиши 1927-йил 22-январ кунига тўғри келди.

Ректор Н.А.Меркулович томонидан №3 буйруқ 1926 йил 29 декабрда имзоланган. Унда Олий Педагогика институтига ўқишига кирмоқчи бўлган барча хохловчилар учун қабул синовлари кунлари ва синов ўтказувчи ўқитувчилар рўйхати эълон қилинган. Унга асосан биринчи синовни ўзбек тилидан 1927 йилнинг 2 январида институт ўқитувчиси Абдурауф Фитрат ўтказади. Эртасига рус тили синовини Н. С. Рукавишников, 6 январ куни математикадан синовни М. П. Репников, 9 январда физика фанидан, 12 январда эса жамиятшунослик фанидан синовни ХМК бошлиғи ўринбосар Порошин ва Главикулка (касаба ташкилот), раиси Хошимовлар ўтказишлари кўрсатилган[9-1 в]. Олийгоҳда ўқишишни хоҳиш билдирган дастлабки абитуриентларнинг аксарияти мактаб ўқитувчилари, халқ маорифи тизимининг ташкилотчилари, фирмә ва ёшлар ташкилоти вакиллари эди. Уларга дастлабки вақтда “эркин тингловчи” бўлиб қатнашишга ижозат берилди. Фақат маълум миқдордаги имтиҳонларни муваффақиятли топширгач талабалар сафига қабул қилинган. Қабул синовларидан муваффақиятли ўтган 34 нафар абитуриент эса ректорнинг 1927 йил 14 январдаги № 8-сонли буйруғи билан талабалар сафига қабул қилиниб уларга стипендия белгиланди[9-3 в].

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети томонидан 1927-йил 29-январда[6-45 в] “Низом”га асосан Олий Педагогика Институти олдига қўйидаги вазифалар юкландган эди; а) юқори малакали педагог кадрларни тайёрлаш; б) Ўзбекистон ССР халқ таълимининг методик масалаларини ишлаб чиқади; в) Ўзбекистон ССР мактабларига курслар ташкил этиш орқали илмий-педагогик ёрдам кўрсатади. эккурсиялар, кўргазмалар, маъruzалар ташкил этиш ва оммабоп педагогик адабиётларни яратиш[7-6 в]. “Ҳайъат зудлик билан илмий-педагогик кадрларни танлашга киришди, партия ва комсомол фаоллари билан биргаликда “Олий педагогика институти тўғрисида Низом”ни ишлаб чиқди ва 1927 йил апрелида қабул қилинди.

Низомга мувофиқ Олий педагогика институти қўйидаги ҳукуқларга эга бўлди: а) ёрдамчи илмий ва таълим муассасаларини ташкил этиш; б) илмий-педагогик жамиятларни ташкил этади; в) ўкув мантиқий машғулотларни ишлаб чақириш; д) илмий ишлар, дарсликлар нашр қилиш ва вақтинчалик бошқа нашрларни нашрлар этиш[7-64 в].

Низомга мувофиқ, Олий педагогика институтida учта: физика-математик, табиий-географик ва ижтимоий-иктисодий бўлимлар ташкил этилди. Келажакда бўлимларнинг ушбу бошлангич таркиби сезиларли даражада ўзгариб борди. Ўрнатилган тузилмага кўра, Олий Педагогика институти тўрт йиллик ўқиши муддатига эга бўлган: 1-курсдан тайёргарлик, 2-курсдан мутахассислик фанлари бошланган. Даставвал институтда тўртта кафедра бўлиб, уларда 11 нафар ўқитувчи ишлаган[13-475 б]. 1927 йил январ ойида 1 курсга 48 нафар талаба, 27 нафар кўнгилли қабул қилинди[8-23 в].



Биринчи қабулнинг асосий ўзаги таълим муассасаларининг юқори курс талабалари эди. Чунки 1927 йил 1 августда олий билим юрти мадрасада таълим олган олган талабаларни ҳам ўз бағрига қабул қилди[14-5-7 б]. Самарқанд жорий архиви маълумотларига кўра, Мирзо Улуғбек мадрасаси қошида ташкил этилган малака ошириш курси талабалари Кабиров Собир, Қодиров Вали, Разифов Ходи, А.Нарзикулов, Амонов Муҳаммадамин, Найбов Ахрор, Шарофуддинов Сайфи, Салитов Иноят, А.Акрамов, Аглахўжаев Муроджон каби ўнлаб талабалар институт талабалари сафига қабул қилиниб, ўз ўқишларини давом эттиришни бошлаган эди[15-8-9 б].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш зарурки Мирзо Улуғбек мадрасаси талабалари шундан бошлаб тўлиқлигича ўз ўқишларини замонавий тартибда, янги форматда қайта ташкил этилган олий мактаб Олий Педагогика Институтида давом эттира бошлашди. Бу вазият бугунги Самарқанд давлат университетининг Мирзо Улуғбек мадрасаси ворисийлигини исботлаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. ЎзР МА, 18-фонд, 1-рўйхат, 7347-иш, 52-варак.
2. ЎзР МА, 837-фонд, 2-рўйхат, 251-иш, 91-варак.
3. ЎзР МА, 837-фонд, 2-рўйхат, 471-иш, 63-69-вараклар.
4. ЎзР МА, 837-фонд, 2-рўйхат, 758-иш, 86-варак.
5. ЎзР МА, 94-фонд, 1-рўйхат, 471-иш, 97-варак.,
6. ЎзР МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 434-иш, 45-варак.
7. ЎзР МА, 94-фонд, 1-рўйхат, 433-иш, 6,64-вараклар.
8. ЎзР МА, 94-фонд, 1-рўйхат, 761-иш, 23-варак.
9. Самарқанд вилоят Давлат архиви, 519-фонд, 2-рўйхат, 1-иш, 1,3-варак.
10. Салмонов А.М. Ўзбекистонда мусулмон диний муассаса ва ташкилотлар фаолияти тарихи: тарих фанлари номзоди диссертацияси. – Фарғона: 2008. – Б. 33-36.
11. Фойибов Б., Мухитдинов С. Замонлар тўфонида сўнмаган маёқ (ёхуд Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасаси қанчонгача фаолият кўрсатган?) / uza.uz.org.education 17.07.2020.
12. Алескеров Ю. Н., Абдуллаев В.С., Риш М.А. Самаркандский государственный университет. Краткий исторический очерк (1927-1977). Ташкент, 1976. - С.11-14.
13. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.7- жилд. “Тошкент”. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат нашриёти:2004. –475-б.
14. Тўрақулов Б. Самарқанд давлат университети тарихидан лавҳалар. – Самарқанд. 2017. – Б. 5-7.
15. Хрестоматия по истории Самаркандского государственного университета / Составители: Б.Эргашев, Н.Махкамова, Ш.Мухамедов, Т.Ахмедов, И.Курратова, Н.Бабаева. – Самарқанд: 2017. – С. 8-9;